

Бунёдкорлик лойиҳаларидан асосий мақсад — иш ўринлари

Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни қурилиш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Янги Ўзбекистон кўчаси пойтахтимизнинг муҳим йўлларидан бирига айланиб бормоқда. Охириги йилларда у ерда янги боғ, кўприк, университет барпо этилди. Энди бу кўча бўйида 610 гектар майдонда уй-жойлар, меҳмонхоналар, кинотеатр, ресторанлардан иборат замонавий мажмуалар қуриш режалаштирилган.

Давлат раҳбари, аввало, мазкур лойиҳа макетини кўздан кечирди. Лойиҳага асосан, бинолар тўрт қаватли, тўрт хил дизайнда бўлади. Биринчи қаватда савдо ва хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият юритади. Юқори қаватларда хонадонлар ёки меҳмонхоналар бўлади. Кўча бўйида пийда ва велосипед йўлаклари, ер ости ва ер усти йўллари барпо этилади.

Президентимиз лойиҳани маъқуллаб, уйлари энергиятежамкор қилиб қуриш, иссиқ ва совуқда мўътадил бўлишини таъминлаш бўйича тавсиялар берди. Иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

— **Энг муҳими — халқимизга муносиб яшаш шaroити ва иш ўринлари яратиш, — деди давлатимиз раҳбари.**

Хисоб-китобларга кўра, биноларда 1 миллион 700 минг квадрат метр савдо ва хизмат кўрсатиш майдони бўлади. Бунинг негизида 14 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилади.

Шунингдек, ушбу кўчада жойлашган «Тошкент-Шарқий» аэропорти инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун замонавий шароитлар яратиш чоралари ҳам белгиланди.

30 январь куни ўтказилган тақдиротда маҳалла марказлари барпо этиш лойиҳаси қўриб чиқилган эди. Бу гал Президент кўрсатмалари асосида қайта ишланган лойиҳа тақдимот қилинди.

Унга кўра, бундай марказларда стадион, ўйин майдончалари, кутубхона, компьютерхона, ошхона, ҳаммом ва бошқалар бўлади.

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги тақлифи асосида ушбу марказлар жойини аниқлаш вазифаси қўйилди.

— **Эшлар ўрганган, инфратузилма борган жойларни танлаш керак. Маҳалла идорасини ҳам шу ерга жойлаштириш мумкин. Шунда бу жойлар маданият ва маърифат ўчоғи бўлади. Бу марказларда миллий ўзлимиз намоён бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Маълумки, 2022 йилда Тошкент шаҳрида Ёшлар ўртасидаги Осиё ёшлар олимпиада шаҳарчаси қурилиши лойиҳалаштирилган.

Лойиҳага кўра, шаҳарча марказида олимпиада стадиони, унинг икки ёнида ёпиқ спорт мажмуалари, сув спортлари саройи, машгулот майдончалари, эшкак эшиш ҳавзаси барпо этилади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва ҳўжалик объектлари ҳам қурилади.

Тақдиротда Олимпиада шаҳарчаси объектлари қийматини оптимallashtиртириш чоралари ҳақида маълумот берилди. Мутахассислар билан муҳокама асосида, мазкур шаҳарча лойиҳаси тасдиқланди. Уни сифатли қилиб қуриш зарурлиги таъкидланди.

— **Бу мажмуа халқимизга, ёшларимизга мулк бўлиб қолади. Шунинг учун биринчи ўринда сифат, — деди Президентимиз.**

Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш, жумладан, ер усти метроси остидаги бўш ер майдонларида янги хизмат кўрсатиш ва савдо нуқталарини ташкил этишга қаратилган лойиҳалар қўриб чиқилди.

Тақдиротда Самарқанд туризм марказида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Барча бунёдкорлик ишларини умумий бир жиҳат — иш ўринлари ташкил этиш мақсади бирлаштириб туради. Чунки бу иншоотларни қуриш ҳамда кейинчалик ишлатиш жараёнида минглаб ватандошларимиз иш билан таъминланади.

Ў.А.

Биз ва жаҳон

ТОШКЕНТДА АВСТРИЯ КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН «AUSTRIA CONNECT CENTRAL ASIA» МАВЗУИДАГИ ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон элчиси Абат Файзуллаев Австрия федерал иқтисодий палатасининг (АФИП) бўлим бошлиғи Давид Пёлцлайтнер ва мамлакатнинг Марказий Осиё бўйича савдо вакили Клеменс Махал билан музокаралар ўтказди.

Музокаралар чоғида жорий йил 1 — 3 июнь кунлари Тошкентда Австрия компаниялари учун «Ўзбекистон — юксалаётган юлдуз: Буюк Ўлак йўли бўйлаб янги имкониятлар» шиори остида «Austria Connect Central Asia» мавзусидаги ийрик иқтисодий конференцияни биргаликда ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу тadbирдан кўзланган мақсад Ўзбекистон ва Австрия ўртасида сармоявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш, янги инвестиция ва экспорт шартномаларини тузиш, шунингдек, истиқболли савдо шерикларини излаётган Австрия ҳўжалик юритувчи субъектларини жалб қилишдан иборатдир.

Сенат қўмитасида

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНДАН ҚАНДАЙ МЕЪЁРЛАР ЎРИН ОЛМОҚДА?

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси экспертлар гуруҳининг ййигилиши бўлиб ўтди.

Унда «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қайта қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун муҳокама қилинди.

Тadbирда сенаторлар, экспертлар, мутахассислар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Муҳокамаларда қўмита экс-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги ПФ–60-сон Фармониға мувофиқ, ташқи савдонини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий тadbиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларини янада кўчайтириш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кенгайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб:**

а) **2023 йил 1 апрелга қадар:**

маҳаллий корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га **Европа Иттифоқи давлатларига юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни экспорт қилишда ташкил харажатларини 70 фоизгача** миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

б) **қўшинг давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда ташкил харажатларини 50 фоизгача** миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади;

в) **мувофиқликчи боҳолар органларини халқаро ILC/IAF ташкилотлари** аъзоси ҳисобланган аккредитация идораси томонидан аккредитациядан ўтказиш

4. Ҳукумат комиссиясига маҳаллий экспортчи корхоналарнинг муноидан товарлар (маҳсус турдаги товарлардан ташқари), ишлар ва хизматлар экспортини шартнома тузмасдан ҳисобварақ-фактуралар (инвойслар) асосида амалга оширишда талаб этиладиган олдиндан тўлов миқдори 100 фоиздан 50 фоизга камайтирилади.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.Умурзаков) (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси):

и) **икки ҳафта мuddатда** экспорт қилишда ташкил харажатларини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиладиган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш ва унинг Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлашнинг ягона порталида (www.exportportal.uz) эълон қилиб бoрилишини таъминласин;

ж) Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

3. Молия вазирлиги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буортманомаларига биноан мазкур Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш учун зарур маблағларни республика бюджетидан ажратиб бoрсин.

5. “Божхона омбори” режимида олти ойдан кўп бўлган товарларнинг божхона расмийлаштирувида божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашни тақикловчи тартиб бeкор қилинсин.

6. Ёшлар тadbиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, инновация технологияларга асосланган экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан Ёш тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан уларга 500 минг АҚШ долларигача кредитлар ажратилишига рухсат берилсин.

7. Инвестициялар ва ташқи сав-

Янги авлод раҳбар кадрларини тайёрлаш

ички ишлар органлари фаолиятида муҳим йўналишдир

Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Янгиланишлар жараёнида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаётини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

■ **Ижро масъулияти**

Табиийки, мазкур долзарб вазифалар барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимлар қатори, ички ишлар органларининг масъулиятини ҳам кучайтирди. Шу боис сўнгги беш йилда ички ишлар тизимини комплекс ислох қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптимallashtиртириш, қўй бўғин бўлиналмалари натижадорлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ис-

лохотлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари фаолиятига мутлоқо янгича механизмлар жорий қилиниб, тизимини ижтимоий йўналтирилган халқпарвар, халқчил тузилмага айлантириш устувор мақсад этиб белгиланди.

Ички ишлар органларини тубдан ислох қилишнинг асосий йўналишларидан бири соҳа учун профессионал кадр-

лар тайёрлаш ва уларнинг касбий салоҳиятини юксалтиришдир. Кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятининг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, айниқса, раҳбарларнинг профессионал салоҳиятини ошириш борасида тизимли чоралар қўрилмоқда.

равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, охириги беш йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчилар макебини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди. Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўймоқда. Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида тўртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.

■ **Муносабат**

Давлатимиз раҳбари нега бунчалик қуйиняпти? Нима учун таълим соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда? Гап шундаки, замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам беҳиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги **бир ҳафта мuddатда** Экспортни рағбатлантириш агентлигига “Ўзтрейд” ва “Ўзсаноат-экспорт” акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги (жамғармаларидаги) давлат акциялари (улушлари) ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Б.Воитов** белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бoриш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **С.У.Умурзаков** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2022 йил 6 апрель

Интилиш

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган ислохотлар марказида инсон қадрини улуғлаш, яъни ҳар бир юртдошимизни бахтли қилиш мақсади турганлигини қўриш қийин эмас. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эмин-эркин яшаб, меҳнат қилишлари учун шарт-шарoит ҳамда қулайликлар яратишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳам шу эзгу мақсадга йўналтирилганлиги билан эътиборлидир. Ушбу ҳужжатда инсон кадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тadbиркорликни янада кенг ривожлантириш, таълим ва тиббий хизмат сифатини ошириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ долзарб вазифалар қамраб олинган.

“Инсон қадри учун” деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шарoитини яратишни назарда тутади. Утган қисқа давр мобайнида ана шу тамойил асосида барча соҳада туб ўзгаришлар қилиниб, истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Муҳими, ушбу йўналишдаги ишлар тобора изчиллик касб этмоқда, қўлами ҳам шунга мос ҳолда кенгайиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Буни ўзимиз фаолият олиб бoраётган “Agromi group” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган қатор ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, яқинда Самарқанд шаҳрининг Қорасув ҳаҳасида лойиҳа қиймати 85 миллиард сўмлик “Янги Ўзбекистон” истирoхат боғи қурилиши бошлаб юборилди.

Қолаверса, фаолиятимизда аҳоли, хусусан, кам таъминланган oilалар вакилларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш алоҳида ўрин тутади. Шу мақсадда Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларининг бир қатор туман ва шаҳарларида барпо этилган 6 мингдан зиёд сифатли ва замонавий uйлар кам таъминланган ва эҳтиёжманд oilаларга берилди.

Ҳозирги пайтда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттириляпти. Мақсадимиз эса аниқ — халқимиз розилигига эришиш. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, халққа хизмат қилиш, одамлар манфаатларини таъминлаш — раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонидир.

Шавкат ЖАЛОЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Agromi group» МЧЖ раҳбари.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИ ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖ

Бугун мамлакатимизда йирик ўзгаришлар, янгиланишлар, ислохотлар рўёбга чиқарилиб, кўп йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бирин-кетин ҳал этиляпти. Буни йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, тизим ислохотларга муҳтож эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мушоҳада



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселекторда бу масалага алоҳида ургу берилди. Гап шундаки, бу борада қатор муаммолли масалалар йиғилиб қолганди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 10 мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари юз бергани, уларда 9 мингдан зиёд одамлар жароҳат олгани ва қарийб 2,5 минг кишилар ҳалок бўлгани ҳам масала қанчалик жиддий эканлигини кўрсатади. Улар орасида ёшлар, аёллар, болалар ҳам борлигини ҳисобга олсак, масала янада кўпроқ таъшиш ўйғотади.

Ҳўш, бунинг сабаблари нимада? Давлатимиз раҳбари муаммонинг туб илдиэларига ҳам эътибор қаратди. Жумладан, йўллардаги ҳолатлар юзасидан ушбу масала охириги беш йилда бирорта раҳбар ҳақи таъкилот томонидан жиддий муҳокама қилин-

маган. Боз устига соҳага оид қонунлар ва ишлар мутлақо қонқарсиз ҳолатда эди. Шуларга мос равишда кўнгилсизликларда йўл ҳаракати иштирокчилари айби катта бўлмоқда. Нохуш ҳолатларнинг ақсарияти ҳайдовчиларнинг йўл қондаларини қасддан менсимаслиги, белгиланган тезлик меъёрини бузиб ҳаракатланиши ёки тажрибасизлиги, пидедаларнинг эса йўл ҳаракати қондаларига амал қилмаслиги, қолаверса, эскирган йўл ҳаракати қондалари, йўллар носозлиги оқиб-

меъёрдан ошириш натижасида эса 2 мингдан ортиқ, болалар қаровсиз қолдирилиши ортидан 501 та, авто-мобилларни маст ҳолатда бошқариш натижасида 135 та, ҳайдовчи тажрибасизлиги туфайли 912 та ИТХ юз берган. Буларнинг ақсариятида ҳодиса ҳайдовчи, йўловчи ёки пидеданинг ўлими билан яқун топган.

Бу рақамлар ортида инсон тақдир тургани боис масалани реал воқелик асосида таҳлил қиламиз. Ҳайдовчининг катта тезликда ҳаракатланиши ақсар ҳолларда ИТХ содир бўлишига олиб келмоқда. Қолаверса, ҳайдовчилар спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда автомашини бошқарувиға ўтириши вазиятини янада мураккаблаштираётир. Негаки, маст ҳайдовчи биринчи галда сергаклиқни йўқотиб, йўл қондаларига амал қилмайди. Натижада йўл-транспорт ҳоди-

тида тўхтаб турган “Матиз” русмли автомашинанинг орқа қисмига бориб урилган, натижада “Матиз” автомашинаси йўловчиси олган тан жароҳати туфайли шифохонада вафот этган. Шу каби ҳолатлардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан қонун ҳужжатларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш, янги амалиётни жорий этиш, йўл қондаларини бузганлик учун жазо муқаррар эканлигини таъминлаш вазифалари белгилаб берилди. Масалан, Қонунчилик палатаси ва мутасадди идораларга йўл ҳаракати оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, тубдан тақомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Шу ўринда яқинда ушбу вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган Президент қарори қабул қилинганлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.



тида рўй бермоқда. Рақамларга мурожаат қиламиз. Ўтган йилда йўллардаги фалокатларнинг 25 фоизи йўл ҳолати ёмонлиги ва инфратузилма яхши ташкил этилмагани боис келиб чиққан. Тезликни

саси юз беришига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2021 йилнинг 2 январь куни туниги соат 2-3 оралигида 25 ёшли Н. Б. маст ҳолатда “Спарк” русумли автомашинани катта тезликда Чирчиқ шаҳрида бошқариб кетаётми, йўл че-

Жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, бундан буён, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жарима баллари тизими жорий этилади. Масалан, ҳайдовчи тезликни оширса 1 балл, қизил чироқда ўтса 3 балл ҳисобла-

нади. Агар бир йилда қондабузарликлар жами 12 баллдан ошса, ҳайдовчи автомобил бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва қайта имтиҳон топиради. Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини мажбурий сугурта қилишда тўланадиган сугурта бадали миқдорини жарима балларидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилади. Шунингдек, автомобилни тартибсиз бошқариб, бошқа ҳайдовчиларга ҳалақит қилганлик учун алоҳида “йўл безорилиги” деган янги жавобгарлик тури киритилади.

Шу билан бирга, йўл қондалари бузилиши ва йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир этилиши юзасидан нафақат ҳайдовчи ёки пидедаларга, балки ушбу ҳолатларнинг мониторинги, таҳлил ва назорати бўйича талаб доирасида иш олиб бормангн ҳудудлар мутасаддиларига ҳам интизомий жазо чоралари белгиланмоқда.

Ўз навабтида, автомактаб ва имтиҳон марказлари фаолияти қонқарли эмаслигини ҳам айтиш зарур. Демак, уларнинг фаолиятини қучайтириш ҳам жуда муҳим.

Йўл-ҳаракати қондаларини қасддан бузганлик учун жазо муқаррарлиги принципини таъминлаш мақсадида айбдорларни маҳаллада фаоллар, аҳоли вакиллари иштирокида сайёр суд қилиш амалиётини йўлга қўйсақ, натижа кўтилганидек бўлиши мумкин.

Умуман, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда етарли даражада. Президентимиз бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда уларнинг ҳар бири чўқур таҳлилдан ўтказилди. Шу жараёнда илгари сурилган вазифаларни амалга оширсак, албатта, тизимдаги муаммолар камайишига, муҳими, йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинишига эришамиз.

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофعا ва хавфсизлик
масалалари кўмитаси раиси.

Тиббиёт

ҚАРШИ ШАҲРИДА ГЛЮКОМЕТР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Қарши шаҳрида қондаги глюкоза миқдорини назорат қилиб, қандли диабет касалигини аниқлашда фойдаланиладиган тиббий асбоб — глюкометр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

инвесторлар билан атрофлича муҳокама этилди. Таъкидланганидек, вилотда олиб бориладиган скрининг текширувларида глюкометрга катта эҳтиёж сезилмоқда. Мазкур тиббий асбобни Қарши шаҳрида ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, валюта эвазига хориждан келтиришга ҳожаат қолмайди.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА 10 МИНГДАН ЗИЁД АҲОЛИГА ХИЗМАТ КўРСАТАДИ

Андижон вилотининг Балиқчи туманидаги Халфа қишлоғида жойлашган 13-оилавий поликлиника янгида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Натижада нафақат халфаликлар, балки Насринобод, Маллачек ва Навнихол маҳаллаларида истиқомат қилувчи 10 минг нафардан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. — Поликлиникамизнинг

қилишар эди. Бугун замонавий биногагина эмас, балки сўнгги русумдаги тиббий техник воситаларга ҳам эга бўлди.

Янги бино 150 катновга ихтисослаштирилган бўлиб, 10 ўринли стационар даволаш бўлими ҳам бор. Қолаверса, бу ерда “103” тез ёрдам хизмати ташкил этилганидан аҳоли мамнун.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ — ИМКОНиятлар ТЕНГЛИГИ

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони тарихий воқеа бўлди. Унда аҳолининг барча қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Хотин-қизлар масаласи ҳам бундан мустасно эмас. Чунки жамият тараққиётида уларнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланган. Стратегиянинг 69-мақсади хотин-қизлар масаласи хусусидадир. Унда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш вазифалари қўйилган. Жамиятда аёлларга таъйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бўйича тизимли ишлар қилинади.

Нуқтаи назар

Шунингдек, стратегияда хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмаларга эга бўлишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама қўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иктидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш юзасидан ҳам чоралар кўрилади. “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлар амалга оширилади. Яна бир муҳим масала — аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парварিশлаш таътилида бўлиш вақтини жамлаганда иш стажига қўйиш ҳисобланадиган уч йиллик даврнинг олти йилга оширилиши. Бу ҳам хотин-қизларимиз учун катта имкониятидир.

Бугун Ўзбекистон аёллари ҳар бир жаҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини барчамиз бевосита амалда кўриб, чуқур ҳис этмоқдамиз. 2019 йили парламент сайлови ақунлари бўйича юртимиз тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони бугунги кўрсаткича кўтарилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Гап шундаки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 31 фоизи ҳам жонқуяр, фаол аёллардир. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-поғонага кўтарилди. Ҳолбуки, ўша сайловларга қадар 128-ўринда эдик. Бунинг ижобий томони шундаки, аёллар ижтимоий масалаларга кўпроқ юракдан ҳис қилиб ёндашди, дилдан ўтказиб қарорлар қабул қилади. Ижтимоий масалалар эса бу — халқнинг дарди, халқнинг муаммоси, шу кеча-кундузда унинг бошидан ўтаётган қийинчиликлар билан узвий боғлиқдир. Аёл бун кўпроқ, теранроқ туйишнинг яна бир сабаби — у оила бекаси, болалар тарбиячиси.



Сийёсий ҳаётда фаол бўлган хотин-қизларимиз айнан мана шундай хислатлари туфайли қонунларнинг янада ҳаётий бўлиши учун курашади, уларда аниқ масалалар, муаммоларнинг ечимларини ифодалаш учун жон қўйидади.

Бинобарин, Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласига жуда катта эътибор қаратиляпти. Уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари Конституциямиз, Қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Тан олиш керак, орада бу борадаги ислохотларнинг кўпи қоғозда қолиб кетди. Айрим ҳолатларда аёллар ўзларини намоян этишлари учун шароитлар камлик қилди, стереотиплар тўсиқ бўлди.

Биргина таълим соҳасини оладиган бўлсак, қизлар ва ўғил болаларнинг билим олиши, касб танлаши бўйича келажагини таъминлашда фарқлар бор эди, ҳали ҳам бундай дунёқараш ураб турибди. Турри, ҳамма болалар мактабда ўқитилади. Бироқ кейинчалик касб танлаш, олий ўқув юртида таҳсил олишга келганда, кўпроқ эътибор ва устуңлиқ ўғил боланинг таълим олишига, унинг учун барча шароитни яратишга қаратилади. Чунки баъзи инсонларда “Фақат ўғил болага билим бериш керак, ўқитиш керак, чунки у бизнинг боқувчимиз”, деган қарашлар устуңлиқ қилади. Қиз болага келганда, бу бошқача тус олади. Мактаб таълими мажбурий бўлгани боис ўқийди. Аммо кейин “Бу бировнинг хасми, керак бўлса, турмуш ўртоғи боқиб олади”, деган тушунчага ургу берилади.

Ваҳоланки, қиз бола олий маълумотли бўлса, қанчалик билим олса, буни келгусида фарзандларига ҳам “юқиради”, ҳар томонлама баркамол авлодни воғяга етказиш масаласига масъуляти билан ёндашди. Ўртнинг келажаги эса мана шундай дунёқарашга эга оналар томонидан яратилади.

Шундай пайтлар бўлдики, гендер тенглик сўзини қўллашдан ҳам чўчидик. Бу иб-

нес режаларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқиш механизми йўлга қўйилди.

Қўйналган, ночор аёллар билан ишлаш учун реалбиланги марказлари ташкил этилди. Мисол учун, оилавий жанжаллар сабаб қийналиб қолган, сиқилиб юрган ёки қайнонаси билан келишмасдан, бировларнинг қўлида қолган, айрим ҳолларда кўчада қолиб кетган, жиноят қилиб қўйиб, жамиятимизга қўлишга олмаётган аёлларимиз бор. Ана шулар билан ишлаш учун маҳаллада мутахассис лавозими жорий этилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини ошириш чоралари кўрилди. Қонунчилигимизда хотин-қизлар учун парламентдаги сайловларда 30 фоизлик квота мавжуд бўлса-да, амалда бу нарса йўқ эди. Республикада бўйлаб 6 минг нафардан иборат фаол аёллар рўйхати шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг худудий филиалларида улар қайта ўқитилди, социал кўникмалари, сийсий билимлари тақомиллаштирилди. Бинобарин, парламентда аёллар сони кескин ошди. Қатор аёллар туман ҳокими вазифасига тайинланди. Бу — жуда катта муваффақият. Гендер тенгликнинг асосий жиҳатларидан бири ҳам шудир.

Гувоҳ бўлаётганимиздек, аёлларга давлат ва жамият тақдирига дахлдор қарорларни ҳаётга таътиқ этиш, хусусан, қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ислохотларни амалга ошириш жараёнларида бевосита қатнашиши учун кенг йўл очилди.

Бу ишларда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия уларга ҳар томонлама кўмак бермоқда. Ўз навабтида, Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси ташкил этилди. Ҳар икки тузилма айни пайтда амалдаги қонунчиликнинг барча нормасини аёллар ва эркаклар тенглиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқяпти.

Тан олиш керак, гендер тенгликни таъминлашда муаммолар бор. Бугунги кунда хотин-қизларимизни қийнайдиган қўллаб муаммоларнинг илдиэи билимнинг етишмаслиги, ҳуқуқ унинг етарли даражада талаб қила олмаслигига бориб тақалади. Афсуски, оиладаги ақримлар, келишмовчиликлар сабаб уйсиз, жойсиз қолаётган, ҳатто болаларининг таъминоти учун ҳам пул талаб қила олмаётган аёлларимиз бор орамизда. Мен аёл бўлганим учун ана шу муаммоларни орагимдан ўтказса оламан. Бу каби нохуш ҳолатларни бартараф этишда касбдошларим билан бир ёқадан бош чиқариб, қонуний йўлларни топишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун етарли имкониятлар яратиб берилган. Айнан шулардан

ТОШКЕНТДА АВСТРИЯ КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН

«AUSTRIA CONNECT CENTRAL ASIA» МАВЗУИДАГИ ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ Бўлиб ўтади



«Austria Connect» лойиҳаси Австрия ҳукуматининг мамлакат бизнесини чет элда ривожлантиришга қаратилган ташаббуси ҳисобланади. Унинг доирасида Австрия федерал иқтисодий палатаси ҳар йили ёки ҳар икки йилда энг жозибали минтақаларда шу номдаги конференцияларни ўтказида.

Ўзбекистон пойтахтида икки кун бўлиб ўтадиган «Austria Connect Central Asia» анжуманида Австрия бизнес тузилмаларига мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, инвестиция имкониятлари, қонунчилик, фискал сийсати ва бизнес юриштишнинг бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида атрофлича маълумот берилади.

Тадбир расмий очилиш маросими ва республикадаги халқро молия институтлари фаолияти, логистика инфратузилмаси, инвестиция ва молия сийсати ҳамда Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш имкониятларига бағишланган бўлимлардан ташкил топади.

Австриянинг Ўзбекистондаги бизнес миссияси доирасида «G2B» ва «B2B» шаклларидаги учрашувлар ташкил этиш, маҳаллий экспортчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш объектилари фаолияти билан танишув ва инвестиция лойиҳалари тақдироти режалаштирилган. Бундан ташқари, МДХ минтақасидаги энг фаол Австрия компанияларини тақдирлаш мақсадида «Silk Road Biz Award» мукофоти топириш маросими бўлиб ўтади.

Учрашув давомида Клеменс Махал Австрия — Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди ва 2021 йил ноябрь ойида Австрия бизнес миссиясининг Ўзбекистонга сафари юқори даражада ташкил этилганини таъкидлади.

Шунингдек, Австриянинг Марказий Осиё бўйича савдо вакили Ўзбекистоннинг халқро майдонда кўп тармоқли иқтисодиётга эга, нейтрал ва мувозанатли минтақавий сийсатни илгари сурувчи ишончли шерик сифатидаги обрўси нафақат Австрия бизнеси, балки кўшни Европа мамлакатлари компанияларининг ҳам эътиборини тобора кўпроқ жалб қилаётганини билдирди.

АФИП бўлим раҳбари Давид Пелцлайтнер Ўзбекистонда биринчи марта «Austria Connect» конференцияси ташкил этилишини таъкидлаб, ушбу тадбир Евросий кўтаси мамлакатлари бозорига фаолият юритаётган янги компаниялар ва бизнес тузилмалар учун муҳимлигини таъкидлади.

Тадбир Австрия ва Ўзбекистон корхоналари учун экспорт ва инвестиция шартномаларини тузиш, шунингдек, янги шериклар топиш учун муҳим майдонга айланади.

Шу муносабат билан Австрия вакиллари Ўзбекистоннинг барча компанияларини «Austria Connect Central Asia» конференциясида фаол иштирок этишга қақирди.

«Дунё» АА.
Вена

аёлга берилади. Совриндорларнинг ҳар бири фанлар соҳасидаги илмий ҳиссаси учун 100 минг евро миқдорига пул мукофоти олади. 1998 йилдан бошлаб Лореал жамғармаси ва ЮНЕСКО ишлай тадқиқотларда аёллар сонини қўпайтириш мажбуриятини олган.

Мамлакатимиз хотин-қизлари ҳам таълим, маданият ва илм-фан соҳаси ривожига салмоқли улуш қўшмоқда. Илмий-таълим муассасаларида нозик ҳилқат вакилларидан 700 нафарга яқин фан докторлари ва 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони меҳнат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида, ОТМнинг илмий тадқиқот йўналишларида минглаб хотин-қизлар самарали иш олиб бермоқда. Олима аёлларимиз нафақат табиий фанлар, балки ижтимоий ҳаётларда ҳам кучли интеллектуал салоҳиятини намоян этаётир. Умуман, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат ва маданият соҳаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар улуши 72 фоизни ташкил этади.

Гендер масалалари юзасидан Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида айна илгор сийсат юритмоқда. Шу боис БМТ Марказий Осиёдаги гендер платформасини Ўзбекистонда тузиш бўйича амалий тақлифларни кўриб чиқяпти. Ҳозирги кунда мазкур масала юзасидан БМТ билан мулоқотлар олиб боришмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад Марказий Осиё минтақаси бўйлаб гендер масаласида олиб бораётган сай-ҳаракатларимизни тақдир этиш ҳамда қардошлар билан ўзаро билим, фикр ва тажриба алмаштириш.

Мухтасар айтганда, хотин-қизларга эътибор, гендер тенглик туфайли қизларимиз, эртага ишлаган ёки ишламаган тақдирда ҳам, олий маълумотли бўлса, оқиллик либосини кияди, оиласини ардоқлайди. Қиройли оиланинг дилбар ва доно бекасига айланади. Аёл ўқиса, илмни ёки ишли бўлса, зўравонлик қурбонига айланиши, алданishi, турли салбий йўлларга кириб кетишининг олди олинади.

Шундай экан, энди муаммоларнинг оқибати билан ишлаш ўрнига уларнинг олдини олишга қатъий киришиш вақти аллақачон келди. Буни эса оиладан бошлаш керак ва шу бўйича қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Сабаби узоқ йиллар давомида мазкур масалага комплекс ёндаша олмадик. Бундай ҳолат ҳамон мавжуд. Ҳар бир давлат идораси муаммо юзага келиб, жамиятимизда кўндаланг турганидан кейингина унинг оқибатлари билан курашишга мажбур бўлмоқда. Аслида уларнинг барчасини оиладаги тарбияни тўғри ташкил қилиш орқали ҳал этиш мумкин. Одамларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатда, оиласига, жамиятга нисбатан муносабатини ўзгартириш, масъулятини ҳис қилишга ўргатиш эса ўзаро ақиллиқни, давлатимизнинг халқчи сийсати остида жиқслашишини талаб қилади. Бундай эзгу ишларга зукко, фаҳм-фаросатли, оқила, меҳнатқаш, меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимиз ўзларининг муносиви ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

Мамлакат МАҲКАМОВА,
Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЭГАСИ БОР
МУЛКНИНГ
ЭРТАСИ БОР

Мулк ўз эгасини топиши, айниқса, хусусий сектор қўлига ўтишида ҳикмат қўп. Боиси уни қўлга киритган сармоядор, аввало, корхонада иш унумдорлиги, махсулот сифати ва рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ошишидан манфаатдор. Бу, табиийки, иқтисодийёт барқарорлиги, жамиятда фаровонлик гаровидир. Шу билан бирга, бозорда монополиянинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериши билан аҳамиятли.

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Навоий вилоятига ташкил этилган пресс-турда бу йўналишдаги вазифаларнинг худуддаги ижросига эътибор қаратилди.

— Вилотимизда 2021 йилда жами 78,4 миллиард сўмлик 35 та давлат активи аукцион савдоларига чиқарилиб, шундан 25 та актив тадбиркорлик субъектларига 66,5 миллиард сўмга сотилди, — дейди Навоий вилояти давлат активларини бошқариш ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Орзу Хотамов. — Мазкур корхоналарнинг барчасида шу орқали иқтисодий барқарорлик таъминланиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Мисол учун, Кармана туманидаги “Навоий” ЭИЗ ҳудудига joyлашган “Полипропилен қувурлари” масъулияти чекланган жамиятининг 100 фоиз давлат улушини “E-auction” электрон савдо платформаси орқали “IHAS ELEKTRIK” МЧЖ 34,8 миллиард сўмга сотиб олган эди. Қисқа фурсатда мазкур корхонада янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 65 та иш ўрни яратилди. Табиийки, иқтисодий самарадорлик ҳам ўсди.

Хусусан, жорий йилнинг икки ойида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 25 фоиз ошди. Технолог Аминжон Халиловнинг таъкидлашича, иккинчи қоракдан қўшни давлатларга махсулот экспорти режалаштирилмоқда.

Пресс-турда фаолияти билан танишилган яна бир корхона Навоий шаҳридаги 2-бетон заводи бўлиб, давлат активлари хусусий сектор қўлига ўтган, бу ерда шифер ва қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва ҳар бирида 50 тадан иш ўрни очилди.

Пресс-тур якунида ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилиб, унда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ташаббус

НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-
ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИДА
912 НАФАР
ТАЛАБА ИШ БИЛАН
ТАЪМИНЛАНДИ

Шу кунларда мазкур олий таълим муассасида 7 минг 901 нафар йилгит-қиз 20 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича таълим олаётди. Ёшларнинг назарияни амалиёт билан боғлаб олиб бориши учун бу ерда зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, яқинда институт кўмағида 912 нафар талаба иш билан таъминланди.

Айни йўналишдаги ишлар талабалар ижтимоий ҳимояси ва дарсдан кейинги бўш вақтини тўғри ташкил этиш нуктаи назаридан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Уларнинг аксарияти муассасадаги бўш лавозимлар, яна бир қисми нодавлат секторлардаги бўш иш ўринлари, бир неча ўн нафари эса институтда олиб борилаётган илмий лойиҳаларга жалб қилинди.

Дастлабки босқичда институт қошидаги Енгил саноат технологияси факультетининг “NamMMTI-kniwear-innovation” унитар корхонасига 17 нафар талаба ишга қабул қилинди. Асосан, трикотаж махсулотлари тайёрлашга йўналтирилган ушбу корхона бўлажақ мутахассислар учун фан ва амалиётни уйғун олиб боришини таъминламоқда.

— Иш вақти талабаларнинг дарсдан чиқишларига қараб режалаштирилган, — дейди корхона раҳбари, институт профессори Қурбонали Холқов. — Улар бу ерда кунига ўртача 100 минг сўмгача меҳнат ҳақиغا ишлашапти. Аҳамиятли жиҳати шундаки, матони тўқишдан бошлаб тайёр махсулотга қадар бўлган жараёни талабаларнинг ўзлари бажаришади. Биз фақатгина ипни хом ашё сифатида сотиб оламиз. Тайёр махсулотлар реализацияси ҳам шу жойнинг ўзида ташкил этилган махсус дўкон орқали амалга ошириляпти.

Мазкур дўконда яна икки нафар талаба соҳувилик қилмоқда. Унинг бир қисмида хизматнинг бошқа тури, яъни ён дафтар, ручка, футболка ва кепкаларга логотип ва ёзувлар тушириб бериш ҳам йўлга қўйилган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИ АВЛОД РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШДИР

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори долзарб аҳамият касб этди.

Мазкур қарорга биноан Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизими жорий қилиниб, кадрларни мақсадли тайёрлаш йўлга қўйилди.

Магистратура
фаолияти нимага
йўналтирилган?

Бугун инсоният глобаллашув жараёнининг шиддати ва суръати ҳар қанонгидан ҳам жадал тус олган мураккаб даврда яшаяпти. Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган сиёсий воқеалар, халқаро терроризм, диний экстремизм, жиноятчиликнинг турли кўринишлари билан боғлиқ янгида-янги таҳдидлар, айниқса, миллатлараро низоларнинг авж олаётгани ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мавжуд куч ва воситаларни оқилона бошқариш, замон талабларига тўла жавоб берадиган бошқарув кадрларини тайёрлаш каби долзарб вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

ИИВ Академиясида магистратура фаолиятини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ички ишлар органларида бошқарувга доир юксак касбий маҳорат, интеллектуал салоҳият ва юқори профессионал билим даражасига эга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, фаолиятини ташкилий-тактик ва стратегик жиҳатдан бошқаришга қодир раҳбар кадрларни тайёрлашдир.

Академия магистратура-сида ўқиш муддати бир йил бўлиб, кадрлар II даражали “ташқилий-тактик бошқарув” ва I даражали “ташқилий-стратегик бошқарув” йўналишларида ўқитилади. Таълим жараёни мобайнида қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилади:

- ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларини, энг янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда магистратура тинловчиларида инновацион бошқарувга оид касбий билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- магистратура тинловчиларида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув ва ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш қobiliятини ривожлантириш;
- маънавий-маърифий ва ахлоқий-психологик тайёрларликни ошириш орқали магистратура тинловчиларида “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурч” концептуал ғоясини ривожлантириш;
- тинловчиларнинг жамонат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноий жазоларнинг ижросини ташкил этиш ва ички ишлар органларидаги бошқарувнинг энг долзарб муаммолари бўйича магистрлик диссертация-

си даражасидаги илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш;

— тинловчиларида илгор бошқарув тажрибалари асосида мамлакатимиз ва хорижий ички ишлар органларида замонавий раҳбарлик кўникма ва малакаларини кучайтиришга қаратилган малакавий амалиётни ташкил этиш;

— тинловчиларида замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида миллий ҳамда хорижий турдош олий таълим муассасалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни таъминлаш.

Муҳим жиҳати, эндиликда ички ишлар органлари раҳбарлар таркибининг тегишли лавозимларга тайинланиш ҳамда “полковник” махсус унвонини олиш учун ходим Академия магистратура-сида ўқиши шартлиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Магистратурада
кимлар ўқиши
мумкин?

Академия магистратурасига қабул жараёни ички ишлар органлари ходимлари орасидан номзодларни очик ва холисона танлаб олиш орқали ўтказилади.

Унга кўра, II даражали “ташқилий-тактик бошқарув” мутахассислиги бўйича олий маълумотли, ички ишлар органларида камида уч йиллик амалий иш стажига эга, шундан сўнгги бир йилни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигини буйруғида белгиланган муайян офицерлик лавозимларида хизмат ўтаб келаётган, фаолияти давомида ижобий таъсирлар билан ички ишлар органлари ходимлари ёки вазирлик таълим муассасаларининг бир йиллик педагогик иш стажига эга шаходатланган профессор-ўқитувчилари таълим олиши мумкин.

Магистратуранинг I даражали “ташқилий-стратегик бошқарув” мутахассислигида эса “ташқилий-тактик бошқарув”

Таълимнинг мазкур йўналишига қабул танлов, тенг ҳуқуқчилик ва қабул қилишнинг ягона қоидалари принциплари асосида уч босқичда ташкил этилади. Яъни ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш; махсус касбий танлов (умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва номзоднинг компетенцияларини диагностика қилиш); якуний суҳбат.

Юқоридаги синов ҳамда имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган номзодларгина тинловчилар сафига қабул қилинади.

Таълим модулли
ўқитиш тизимида
олиб борилади

Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, замонавий таълимда модулли ўқитиш тизими ўзининг ижобий самараси билан тобора оммалашиб бормоқда.

Академия магистратурасида ҳам ўқув жараёни халқаро тажриба ва стандартларга мос равишда йўлга қўйилган. Яъни модулли ўқитиш тизими моҳиятига кўра, таълим жараёнини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, ҳар бир модулда ички ишлар органларининг асосий йўна-

Бугун инсоният глобаллашув жараёнларининг шиддати ва суръати ҳар қанонгидан ҳам жадал тус олган мураккаб даврда яшаяпти. Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган сиёсий воқеалар, халқаро терроризм, диний экстремизм, жиноятчиликнинг турли кўринишлари билан боғлиқ янгида-янги таҳдидлар, айниқса, миллатлараро низоларнинг авж олаётгани ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мавжуд куч ва воситаларни оқилона бошқариш, замон талабларига тўла жавоб берадиган бошқарув кадрларини тайёрлаш каби долзарб вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

лишлари бўйича фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга доир тегишли фанлар ўқитилиши ҳамда ўқув модули якунида уюштирилаётган малакавий амалиётда



Хасан ГҲИЙОЕВ олган суратлар.

мутахассислигини ёки унга тенглаштирилган таълим муассасалари мутахассисликларини тамомлаган, камида уч йиллик амалий иш стажига эга, шундан сўнгги бир йилни ички ишлар вазирлигини буйруғида белгиланган муайян лавозимларда хизмат ўтаб келаётган ички ишлар органларининг раҳбар ходимлари ўқиш имкониятига эга.

Магистратурада ўқиш истагидаги номзодларнинг ҳужжатлари электрон тартибда қабул қилинади. Бунда номзод magistr.akadmvd.uz манзилига зарур маълумотларни киритади ва ИИВ Академияси бошлиғи номига ёзилган билимнинг электрон нусхасини ушбу манзилга юборади.

назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Бу эса тинловчиларнинг мустақил ишлаши, ўз фаолиятини тўғри режалаштириши, келгуси амалий фаолиятида ички ишлар органларининг барча йўналиши бўйича раҳбарликни самарали олиб боришига хизмат қилса, профессор-ўқитувчиларга тинловчиларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тўғри баҳолаш имконини беради.

2021/2022 ўқув йили учун давлат таълим стандартлари асосида модулли ўқитиш тизимига асосланган малака талаблари, ўқув режалари, 38 та фан дастури ва ишчи фан дастурлари ишлаб чиқилди. Ўқув режаларига мувофиқ,



бир ўқув йили, яъни 50 ҳафта давомида ўзлаштирилиши белгиланган назарий ва амалий таълимнинг умумий миқдори 2660 соатга тенг бўлиб, унинг 50 фоизи назарий таълимга ҳамда 50 фоизи базавий амалий машғулотлар, малакавий ва илмий амалиётга ажратилди.

Ўқув модуллари ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган, келгусида битирувчиларни соҳадаги ҳар қандай соҳавий хизматни бошқара оладиган “универсал раҳбар” этиб тайёрлашга йўналтирилган.

Масалан, тинловчилар 1-ўқув моду-

лида ички ишлар органларининг кадрлари билан ишлаши, 2-ўқув модулида жамоат хавфсизлигини таъминлаши, 3-ўқув модулида тергов фаолиятини, 4-ўқув модулида тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш, 5-ўқув модулида эса ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, секторлар ишини уюштиришга қаратилган билим ҳамда кўникмаларга эга бўлишади.

Ўқув режаларини ишлаб чиқишда тинловчиларнинг келгусида ички ишлар органларининг асосий соҳавий хизматлари фаолиятини бошқаришга доир билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, мутахассислик фанларининг соатларини қўлайтиришга ургу берилган.

Хусусан, иккинчи даражали “ташқилий-тактик бошқарув” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган жами 20 та фаннинг 10 тасини, биринчи даражали “ташқилий-стратегик бошқарув” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган жами 18 та фаннинг 10 тасини бевосита мутахассислик фанлари ташкил этади. Ҳар иккала даражада мутахассислик фанларига умумий аудитория соатининг 52,2 фоиз қисми ажратилган.

Бундан ташқари, ўқув жараёнига замонавий интерфаол усуллар, энг сўнгги педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳам кенг татбиқ этилган бўлиб, маъруза машғулотлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, ички ишлар вазири ўринбосарлари, шунингдек, вазирлик соҳавий хизматлари раҳбарлари, Давлат бошқаруви академияси, Стратегик таҳлил ва истиқболчи белгилаш олий мактаби, Бош прокуратура, Қуролли Кучлар, Давлат хавфсизлик хизмати академиялари каби

етақчи олий таълим муассасалари мутахассислари ҳамда ИИВ Академияси раҳбарияти томонидан ўтказилиши йўлга қўйилган.

Ўқув дастурлари асосида тинловчилар учун илмий ва малакавий амалиётлар уюштириб келинмоқда.

Малакали
мутахассислар
тайёрлашда яна
қайси жиҳатларга
эътибор
қаратилмоқда?

Таълим ва илмий тадқиқот фаолиятида хориқ тажрибасининг илгор ёндашувларини амалиётга татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, халқаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш Академияни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан бири саналади.

Бугунги кунда ўқув даргоҳимиз Халқаро полиция академиялари ассоциацияси (INTERPA), Европа Иттифоқининг Будапешт шаҳридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш бўйича агентлиги (CEPOL), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотлари (OSCE), БМТнинг Гейхванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА), Жанубий Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) каби халқаро ташкилотлар ҳамда хорижийнинг 19 та турдош олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимизнинг “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан биринчи даражали магистратура таълим олувчиларининг хорижий ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим муассасаларида бошқарув малакасини оширишга қаратилган курсларда таҳсил олиши алоҳида белгилаб қўйилган. Ўтган давр мобайнида Академия профессор-ўқитувчилари ва магистратура тинловчиларининг 20 нафари хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида ташкил этилган ўқув курсларида малака ошириб қайтди.

Жорий ўқув йили якунига қадар магистратуранинг мазкур йўналишида таълим олаётган барча тинловчиларни хорижда малака ошириш курсларига жалб этиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Академияда магистратура профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари учун Жанубий Корея, Беларусь, Туркия ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиб келинмоқда.

Албатта, бу ҳам хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти билан яқиндан танишиш, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги илгор ёндашувларни ўрганиш, мазкур соҳада ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари тизим олдига турган муҳим вазифаларга тўхталиб: “ички ишлар органларини халққа ва ҳар бир оилага янада яқинлаштириш, бу тизимни чин маънода халқчил тузилмага айлантириш борасида бошланган ислохотларимизни изчил давом эттирамиз. Бундан бўён, ички ишлар органлари фаолиятини баҳолашда аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар муносабатлари билан ишлаш натижадорлиги асосий мезон этиб белгиланади”, дея таъкидлади.

Соҳани тубдан янгилашга қаратилган ислохотлар янги Ўзбекистонда тизим учун ҳар томонлама билимли, фидойи ва ташаббускор, энг муҳими, ватанпарвар, халқ манфаатларига хизмат қиладиган, етук профессионал янги замон бошқарув кадрларини тайёрлашга хизмат қилади.

Рустам ХОТАМОВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи, полковник.

КИЧИК НОВВОЙХОНА

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12х12 см. — 128 та.

керамик иситкичларда
(тандир усулида)

4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли сарфи — 8,4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, қулайлиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номунаосиблиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
95-169-68-51, 71-279-38-54.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши